

Ўзбекистон Президенти Туркменистон раҳбарини табриклади



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон Президенти этиб сайлангани билан табриклади, деб [хабар қилди](#) Ўзбекистон ТИВ матбуот хизмати.

Давлат раҳбари мактубда "яқинда бўлиб ўтган сайлов натижалари Туркменистоннинг фаровонлиги, жадал ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун Сизнинг узоқни кўра биладиган раҳбарлигингиз остида олиб борилаётган чуқур ўйланган ва самарали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларга туркман халқи томонидан юқори ишонч билдирилганлигининг ва тўлиқ қўллаб-қувватланишининг яна бир ёрқин ифодаси" эканлигини қайд этди.

Бугун вақт ва ҳаёт синовидан ўтган Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва тотув қўшничилик ришталари халқларимизнинг кўп асрлик яқин муносабатлари асосида муваффақиятли ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовга мустаҳкам соғлиқ, саломатлик ва масъулиятли давлат лавозимида янги ютуқлар, биродар туркман халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.